

Малакали тиббий хизмат

соҳада амалга ошириладиган мақсадли дастурлар натижасида янада такомиллашиб бормоқда



21
йил

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасида аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган кўплаб мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Натижада шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиб, энг сўнгги русумдаги ускуналар билан таъминланаётир.

Хусусан, 2009 — 2011 йилларга мўлжалланган Маҳаллий инвестиция дастурига кўра, Қорақалпоғистон Республикасидаги 5 та тиббиёт муассасасида 20 миллион 527 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Бундай ижобий ўзгаришларни Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Инвестиция дастури асосида ажратилган 2 миллион 180 миллион сўмликдан ортқ маблағ эвазига туман тиббиёт бирлашмаси ва унга қарашли кўплаб иншоотлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

— Реконструкция ишларидан сўнг муассасамиз бош биноси замонавий ва кўркам кўринишга эга бўлди, — дейди Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи П. Худойберганов. — Шунингдек, шифо масканимиз бўлимлари “Саломатлик — 3” лойиҳаси асосида 28 миллион сўмликдан зиёд замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Яратилган бундай қулай шароитлар туфайли 227 нафар шифокор, мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари хизмат сифатини янада оширишга ҳаракат қилишмоқда.



Этиборлиси, бундай янгилашлар тумандаги энг чекка қишлоқларда ҳам изчиллик касб этмоқда. Мавжуд 21 қишлоқ врачлик пунктнинг 7 таси янги бинога кўчиб ўтди. Оққамиш, Калтаминор қишлоқларидаги шифо масканлари эса тўлиқ таъмирланди, намунали

ҚВПларга айлантирилди. Умуман олганда, ҚВПлар “Саломатлик — 1”, “Саломатлик — 2” лойиҳалари асосида 350 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди. 2012 — 2017 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига биноан эса, Кўҳна Тўрткўл, Уллубоғ, Шураҳон,

Калтаминор ва Оққамиш қишлоқларида янги тиббиёт муассасаларини қуриш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, юртимизнинг барча ҳудудларида янгида янги тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда, мавжудлари эса кўркам қиёфага эга бўлмоқда.

Мухими, уларнинг барчасига замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар олиб келиб ўрнатилмоқдаки, бу аҳоли саломатлигини мустақамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Гамхўрлик

Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида Саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

Саломатлик ҳафталиги

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтиришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Самарқанд вилоятида ҳам Саломатлик ҳафталиги тадбирлари доирасида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий текшириш институтларининг етакчи олимлари, малакали мутахассислари иштирокидаги чўқурлаштирилган тиббий текширувлар ўтказилмоқда. Жумладан, Жомбой тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий кўп тармоқли поликлиникасида пойтахтдан келган шифокорлар тиббий маслаҳатга эҳтиёжманд юзлаб кишиларни қабул қилишди. Флюорография, ультратовуш, эхокардиография каби текширувлардан сўнг мурожаат қилганларнинг ҳар бири ўз саломатлиги ҳақида етарлича маълумотга эга бўлди.

(Давоми 4-бетда).

«Ўзбекистон — улкан салоҳиятга эга мамлакат»

Хорижлик меҳмонлар ҳам юртимиз ҳақида шу каби самимий фикрлар билдиришмоқда.

Эътироф

Юртимиздан йил бўйи сайёҳлар қадами узилмайди. Чунки бой тарихимиз, бетакрор анъана ва қадриятларимиз, ноёб ёдгорликлару осорию қаларимиз, шунингдек, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз ҳар қандай киши эътиборини ўзига жалб қилмасдан қолмайди. Аммо улар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганини фақат шу омишлар билангина изоҳлаш камлик қилади, назаримизда. Гап шундаки, халқимиз азалдан меҳмонни ҳурмат-эҳтиром билан

кутиб олишга, сафари якунига етгач эса яна шундай иззат-икром билан кузатиб қўйишга одатланган. Балки ушбу самимий муносабат ўзга юрт вакиллариининг Ўзбекистонга бўлган интилиши кучайишида муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилаётгандир.

Хорижлик сайёҳлар билан қўшнатлашганимизда, юртимизга сафари улар учун узоқ йилларга татигулик таассуротлар тўғрисида эганини, одамларимизнинг бағрикенглиги қалбларида ўчмас из қолдирганини кўп бор таъкидлашди. Бундай фикрлар, албатта, кишига гурур бағишлайди.

Мария ХЕРЕС (Испания):

— Ўзбекистоннинг гўзал табии ати, хушхавоси, очик чехрали одамлари менга жуда ёқди. Сафаримнинг дастлабки кунларида Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини айландим. Пойтахтнинг кенг ва равон кўчалари, кўркам бинолари, сўлим хиёбонларини кўриб, очиги, ҳавасим келди. Дарахтларнинг кўпчилигини айтмайсизми. Ўзимни гўё каттақон бир боғда сайр қилиб юргандек ҳис этдим. Ям-яшил майсалар, уларга уйғун тарзда қурилган фавворалар атрофга ўзгача гўзал

лик бахш этиб турибди. Айнқса, кўёш тафтидан толиқанда шундай масканларда бир оз хордиқ чиқариш кишига ўзгача ҳузур, янги куч бағишларкан.

Мустақиллик майдони, унинг шундоққина ёнида жойлашган Ёшлар ижод саройи, “Маърифат маркази”, Темурийлар тарихи давлат музейи, Амир Темури хиёбони, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи — барчасининг меъморий ечимини, тузилиши таҳсинга лойик.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши

доимий масъулият талаб қиладиган вазифадир

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қуриш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаменти, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш, “Ергеодезкадастр”, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, “Қишлоқ қурилиш инвести” ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”, лойиҳалаштириш ташкилотлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда пудратчи корхона-

лар раҳбарлари иштирокида Идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда мутасадди идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросининг ахволи муҳокама қилинди. Йиғилишда мамлакатимизда қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги, сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлганлиги эътироф этилди. Биргина

2011 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,1 млн. кв.м.га тенг бўлган 7400 та хусусий уй-жой қуриб битказилганлиги, ушбу мақсад учун 576 млрд. сўмдан ортққ инвестициялар йўналтирилиб, натижада қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги янада ошганлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Испания Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дилшод Аҳатов (қароргоҳи Берлинда) ушбу мамлакат қироли Хуан Карлос I га ишонч ёрлиқларини топширди.

Маросим доирасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Испания Қироли икки мамлакат ўрасидаги чуқур тарихий илдизларга эга ҳамкорликнинг ижобий натижаларини қайд этиб, Ўзбекистон билан дўстона ва кўп қиррали алоқаларни юқори баҳолади ҳамда турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун томонлар улкан салоҳиятга эгаллигини таъкидлади. Испания Қироли Хуан Карлос I бутун Ўзбек халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар тилади.

«Жаҳон» АА.

Хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда

2012 йилнинг 1 майга қадар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадлари учун республика тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми

129,5 миллиард сўмга етди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қашқадарё

Қарши туманидаги “Wood Dekor Production” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида мебеллар учун меломилланган ламинат қопламали материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мобелсозлар учун қулайлик

Бунинг учун дастлаб Хитой Тараққиёт банкнинг 570 минг АҚШ доллари ошққ кредити эвазига замонавий ускуналар келтирилди ва 20 киши ишга қабул қилинди. Аини пайтда бу ерда кунига 3 минг квадрат метрдан зиёд ёғоч плиталарга ишлов берилаётир. Муҳими, ушбу яримтайёр маҳсулотларга нафақат вилоят, балки республика-

миздаги кўплаб мебель ишлаб чиқарувчи корхоналардан буюртмалар тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида санат соҳасида 88 та лойиҳа амалга оширилиб, 5,8 миллиард сўм инвестиция жалб этилди ҳамда 590 та иш ўрни яратилди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган

Наманган туманидаги “Element paint” МЧЖда амалга оширилган 112 миллион сўмлик технологик янгиланиш туфайли бу ерда лок-бўёқ маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳсулот тури кўпаяди

Қувватлар ошиши ҳисобига қўшимча 12 та иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми шунга мос равишда уч баробарга ортиб, кунига 7,5 тоннага етди.

Айтиш жоизки, корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш ташкилотлари ва савдо шохобчаларига 260 тоннадан зиёд 70 хилдаги маҳсулотларни етказиб берди. Эндиликда хорижлик ҳамкорлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш устида иш олиб боришмоқда.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд

“Каттақўрғон ёғ-мой” очик турдаги акциядорлик жамиятида 350 минг АҚШ долларлик модернизациялаштириш ишлари амалга оширилгач, иш кўлами янада ошди.

Иш кўлами ошди

Аини чоғда 12 киши меҳнат қилаётган цехда кунига 30 тонна ёғ тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

— Нафақат ёғ, балки бошқа маҳсулотларимизга ҳам талаб ортмоқда, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Собир Ибрагимов. — Жорий йилнинг олти ойида 132 минг 800 АҚШ долларлик гудрон

ва совун экспорт қилинган ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Шу кунларда жамиятда тайёрлов, экстракция ва бошқа цехларни модернизациялаштиришга киришилди. Бу мақсадлар учун корхона ҳисобидан 520 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Бойсун туманидаги “Бунёдкор ихтисос таъмир” хусусий корхонасида йилгига 40 минг квадрат метр ҳажмидаги қурилиш-боп пластик маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлган янги линия ишга туширилди.

Қурилишбоп, арзон, хариддоргир

Лойиҳа банкдан ажратилган 170 миллион сўмлик сармоя ҳисобига амалга оширилди. Корхона маҳсулотига талаб ошиб бораётгани боис жамоа цехни янада кенгайтириш ҳаракатида.

Айтиш жоизки, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг яли ҳудудий маҳсулотдаги улуши 53,8 фоизни ташкил этди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

2012 — 2013 ўқув йили учун қуйидаги олий таълим йўналишлари бўйича талабалар қабулини эълон қилади.

Бакалаврият таълим йўналишлари: Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси, автомобиль йўллари ва аэродромлар бўйича); Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича); Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича); Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича); Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича); Автомобиль йўллари ва аэродромлар; Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотлари турлари бўйича); Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича); Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича); Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича).

Хужжатлар 2012 йил 20 июлгача қабул қилинади.

Институт қабул комиссиясига қуйидаги хужжатлар топширилади:

- ректор номига ариза;
- ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги хужжатнинг асл нусхаси;
- 086У-шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 8 та рангли фотосурат;
- паспорт нусхаси;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги хужжат шахсан кўрсатилади;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси аслини тақдим этилади.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 2012 йил 1 август кунини ўтказилади.

Талабалikka танлов асосида қабул қилиш абитурientларнинг тест синовларида тўплаган балларига кўра, Олий ва ўрта махсус уқув юртиларига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй.
Телефонлар: (8-371) 232-15-24, 233-19-25.

UZBEKCOMMODITY EXCHANGE

Ўзбекистон Республикаси Товар-хон ашё биржасидаги биржа савдоси қатнашчилари диққатига!

«ЎЗРТХБ» ОАЖ шуни маълум қиладики, 2012 йил 9 июлдан бошлаб тузилган биржа битимлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибига ўзгартириш киритилмоқда.

Янги тартиб ҳисоб-китоб клиринг палатаси (РКП) томонидан фақатгина биржа битимлари бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга тегишли.

Янги тартиб фақатгина «ЎЗРТХБ» ОАЖнинг ҳисоб-китоб клиринг палатаси ҳисоб рақамлари ўзгаришини назарда тутмоқда.

2012 йил 7 июлгача тузилган биржа битимлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун эски ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш лозим, хусусан:

- 20208000300600257009 х/р — буғдой, арпа, ун, ёрма, ўсимлик ёғи, шакар, омихта ем, пахта момиғи, цемент, шифер, металл (рангли ва қора), суюлтирилган газ, кўмир, каолин, минерал ўғитлар, ойна, рубероид;
- 20208000100600257052 х/р — шрот ва шелуха, дизель ёқилгиси, бензин, битум, печ ёқилгиси, ёқилги мазути, нефрас, техник мойлар, саломас, хўжалик совуни;
- 20208840400600257008 х/р — норезидентлар АҚШ доллариди амалга ошириладиган экспорт битимлари учун.

2012 йил 9 июлдан биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоблар «ЎЗРТХБ» ОАЖнинг ҳисоб-китоб клиринг палатасининг янги ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилади, хусусан:

- 20208000500600257041 х/р — буғдой, арпа, ун, ёрмалар, ўсимлик ёғи, шакар, шротлар, пахта чигити шелухаси, омихта ем, пахта момиғи, саломас, хўжалик совуни;
- 20208000300600257042 х/р — цемент, шифер, металл (рангли ва қора), суюлтирилган газ, полиэтилен, кўмир, каолин, минерал ўғитлар, ойна, рубероид;
- 20208000100600257043 х/р — дизель ёқилгиси, автобензин, битум, печ ёқилгиси, ёқилги мазути, нефрас, техник мойлар;
- 20208840000600257010 х/р — норезидентлар АҚШ доллариди амалга ошириладиган экспорт битимлари учун.

2012 йил 9 июлдан битимлари бўйича тўловлар ҳамда етказиб беришлар амалга оширилган мижозларнинг ФШРларида (фойдаланувчининг шахсий рақами) (ИНП) бўш турган пул маблағлари эски ҳисоб рақамларидан янгиларига автоматик равишда ўтказилади.

2012 йил 9 июлдан сўнг биржа савдоларида қатнашиш учун зарур бўлган гаров пули ҳамда битимларни тузиш учун зарур бўлган пул маблағлари янги ҳисоб рақамларга ўтказилиши лозим.

2012 йил 9 июлдан сўнг биржа савдоларида қатнашиш учун мижозлар янги ҳисоб рақамларда пул маблағларига эга бўлишлари лозим, шу сабабли янги ҳисоб рақамларига пул маблағларини аввалдан ўтказилишини сўраймиз.

Мижозларнинг ФШРлари (фойдаланувчининг шахсий рақамлари) (ИНП) ўзгаришсиз қолмоқда.

O'ZSANOATQURILISHBANK

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
«Оилавий тадбиркорликнинг энг яхши бизнес лойиҳаси»,
«Аёллар тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,
«Касб-хунар коллежи битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси» йўналишларида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!



Танлов лойиҳаси талаблари:		
1	Танлов иштирокчиси	Бизнес-лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга бўлган кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлар
2	Бизнес-лойиҳа мақсади	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш
3	Иштирокчилар томонидан хужжатларни тақдим этиш	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимидаги барча филиалларга лойиҳа ташаббускорлари томонидан ҳужжатлар 2012 йил 25 июлга қадар тақдим этилади
4	Танловни ўтказиш мuddатлари	2012 йил 1 майдан 15 августга қадар
5	Танлов натижалари бўйича голибларни эълон қилиш мuddати	2012 йил 16 — 18 август
6	Танлов голибларининг тақдирланиши	Танлов голибларига голиблик дипломи ва қимматбаҳо буюмлар совға қилиниб, «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит сисѳати талаблари асосида имтиѳзли кредит маблағлари ажратилади

Қўшимча маълумотлар учун минтақавий филиалларнинг кредит бўлимлари телефонлари:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон минтақавий ф-ли	(361) 141-71-48, 141-71-01	Сирдарё минтақавий ф-ли	(367) 225-19-55, 225-07-40	Самарқанд минтақавий ф-ли	(366) 233-44-01, 233-66-29
Андижон минтақавий ф-ли	(374) 235-39-97, 235-20-99	Тошкент вилояти минтақавий ф-ли	(371) 259-22-82, 259-22-76	Сурхондарё минтақавий ф-ли	(378) 781-12-88, 272-73-73
Бухоро минтақавий ф-ли	(365) 223-61-86, 223-60-22	Фарога минтақавий ф-ли	(373) 224-52-19, 224-85-03	Марказий аймақ бошқармаси	(371) 239-16-18, 146-15-36
Қашқадарё минтақавий ф-ли	(375) 223-22-12, 223-06-83	Хоразм минтақавий ф-ли	(362) 224-12-44, 224-22-93		
Навоий минтақавий ф-ли	(436) 224-53-91, 224-50-91	Тошкент шаҳар минтақавий ф-ли	(371) 140-66-28, 140-66-29		
Наманган минтақавий ф-ли	(369) 234-32-90, 234-14-94	Амалдор бошқармаси	(371) 120-45-72, 120-45-61		

Бош офис телефонлари:
(8-371) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20.

Вақт давомида синалган ишонч!

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф эгади!

1. Аукцион савдосига Юкори Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такрон қуйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдиги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юкори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м., қурилиш майдони 1942,75 кв.м. бўлган гараж биноси.

Бошланғич баҳоси — 272.349 000 сўм.

2. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдиги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Арганичи универсал сервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юкори Чирчиқ тумани, «Арганичи» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 224,29 кв.м. бўлган гараж биноси.

Бошланғич баҳоси — 33.921 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такрон қуйилмоқда:

1. ФИБ Тошкент вилояти Зангиота туманларо судининг 2011 йил 27 июндаги 1-920911-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Чиноз» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 1129,17 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 22 июлдаги 11-1128/10506-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз кўрғони, Наврўз кўчасида

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамш к., 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

жойлашган, «Чиноз йўли ХПТФД» корхонасига қарашли «Йўл қурилиш таъмирлаш» маъмурий биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 74 430 000 сўм.

3. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 17 августдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган, «Чиноз» МТП ДАЖ маъмурий биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 70 010 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 23 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қуйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мudd-дати — 2012 йил 20 июль кунини соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банкнинг «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.
Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
2012 йилдаги эҳтиѳжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси қўмита раисининг ўринбосари Абдисамат Химматовга падари бузруквори

ХАЛИЛ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институтига жамоаси Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси профессори Мирсодиқ Исҳоқовга волидаи муҳтарамаси

МУНАВВАР аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТАРОЗИЛАР

0,0001 гр.дан 250 тоннагача

Micros

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS

Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К

Акционерлик жамияти

ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, шаҳар ГАИси аввалги биноси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Хукумат поликлиникаси бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., «Тинчлик» метро бекати, тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz



Истиклол иншоотлари

Мустиқиллигимизнинг илк кунлариданоқ аждодларимиз асрлар давомида яратган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш ҳамда уни асраб-авайлашга алоҳида аҳамият билан қараб келинмоқда. Бу хайрли ишларнинг бир бўғини — музейлар фаолиятининг тубдан ислох қилингани фикримиз далилидир. Бугунги кунга келиб, музейларимиз ёшларимизни она-юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда, десак, янглишмаймиз.

Маънавиятимиз дурдонаси

1996 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Амир Темур хайкали ва хиёбонининг рўпарақларида яна бир муҳташам бино — Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши халқимиз ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Музей биноси мустиқиллик даврида бунёд этилган энг ноб иншоотлардан бири ҳисобланиб, у замонавий ва миллий меъморчилигимизни ўзида уйғунлаштирилган. Мазкур бино ўзининг нафислиги, салобати, гўзаллиги билан ҳар қандай кишини лол қолдира олади. Қисқа вақт ичида музейимиз халқимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари учун қўлтуғ қадамжолардан бирига айланиб улгурди.

Ушбу даргоҳ энг кўп томошабин таширф буюрадиган маърифат маскани сифатида ҳам эътироф этилади. Яъни бир кунда ўрта ҳисобда музейга 400 нафар киши томошага келади. Хозирги кунга...

ча бу даргоҳга 700 дан ортиқ фахрий меҳмонлар, президентлар, санъат ва фан арбоблари таширф буюриб, ўзларининг дил сўзларини музейнинг "Дастхатлар" китобига ёзиб қолдирганлар. Ушбу китобни арақлар экансиз, музей меҳмонларда қанчалик ҳайратомуз таассурот қолдирганлигига амин бўласиз.

Шу йиллар мобайнида музей залларида темурийлар даври тарихи, маданиятини намоён этувчи 50 дан зиёд кўргазмалар ташкил қилинди. Кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Шунингдек, Темурийлар тарихи даври музей музей Фанлар академияси қoшидаги илмий институт мақомига ҳам эга. Бугунги кунда музей илмий ходимлари томонидан Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маданиятининг ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши юзасидан илмий лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий лойиҳалар натижалари ҳар икки йилда чоп эти-

да ўтказилган "ЭКСПО — 2000", 2004 йилда Австралиянинг Сидней шаҳридаги Паурхаус музейида ўтказилган "Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси" каби халқаро кўргазмаларда музейимизнинг ноб экспонатлари намойиш этилди. Айна пайтда асосий фаолиятимиз хорижий мамлакатлар музей, архив ва кутубхоналари билан илмий ҳамда амалий алоқалар ўрнатилган. Хозирги кунда жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари, жумладан, Бельгия, Франция, Германия, АКШ, Буюк Британия музей ва галереялари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бу борада ўзаро тажриба алмашиш, Темурийлар даври тарихига оид ашёлар ҳақида ахборот йиғиш, улардан нусхалар олиш, кўчма кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилган. Амалий саъй-ҳаракатларимиз натижасида Гаваҳаршодбеғим ва Мироншоҳ Мирзонинг Санкт-Петербургда Давлат Эрмитажиде сақланаётган узук-муҳрларидан заргар Ф. Дадамўхамедов нусха олди ҳамда уларнинг нусхалари яратилди. Музей фонди маънавиятимиз учун қимматли бўлган ушбу ноб осорياتикалар билан бойитилди.

Мухтасар айтганда, бу ерда томошабинлар учун барча шароит яратилган бўлиб, музей экспозицияси, заллар ва хоналарнинг жиҳозланиши ҳам замон талабларига тўла жавоб беради. Уюштирилаётган кўргазмалар, ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар эса ёш авлодни темурийлар даври бой мероси, қолаверса, шонли тарихимиз билан янада кенгроқ таништиришга қаратилган.

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ, ЎЗР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори.

Хосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport

Велоспортчилар марафони

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан велоспортчилар ўртасида аънавий республика веломарафони ўтказилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ушбу спорт турини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақада ҳудудий саралаш босқичларида голиб чиққан 200 нафардан зиёд иштирокчи ўзаро беллашди.

рафонни пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари, шунингдек, фахрийлар ва профессионал велоспортчилар бошлаб беришди. Шундан сўнг асосий баҳсларга киришилди. Эраклар беллашувида пойтахтлик Алексей Смирнов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Яна бир пойтахтлик спортчи Руслан Михайлов иккинчи, фарғоналик Ғанишер Нурматов учинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида Тошкент шаҳри вакиласи Евгения Тарасенко шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар сурхондарёлик Нигора Мухаммадиева ҳамда қорақалпоғистонлик Дилором Сейтовага насиб этди.

Тадбирда сўз олганлар таъкидлаганидек, соғлом ва баркамол авлоднинг воёга етказишда спортнинг ўрни нақадар беқиёс эканини истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳага қаратилаётган юксак даражадаги эътибор самаралари аққол кўрсатиб турибди. Мисол учун, 2005 йилда юртимиздаги мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қариб 63 фоизга етди. Бундан, албатта, барчамиз чексиз гурурланамиз. Қолаверса, бугун йигит-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги

мусобақаларда, балки кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар. Ана шундай ютуқларда велоспортчиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Мурод Холмуродов ва Сергей Лагутиннинг яқинда Лондон шаҳрида бўлиб ўтadиган XXX ёғзи Олимпиада ўйинлари йўланмаларини кўлга киритгани фикримиз тасдиғидир. Узига хос спорт байрамига айланган велома-

Ш. ЗОКИРЖОНОВ.

ОБ-ҲАВО

Table with weather forecasts for various regions: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, Бухоро ва Навоий вилоятларида, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида, Тошкент шаҳрида.

Реклама ва эълонлар

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади. Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган. Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.

Саломатлик ҳафталиги

— Баъзан ўзимни лоҳас сезганим боис ички бир хавотир бор эди, бугун эса тиббий текширувлардан ўтиб, анча хотиржам бўлдим, — дейди Ойсаҳат Эшонқулова. — Шифокорлар соғлиғим ҳақидаги ҳар бир шикоятимни синчковлик билан таҳлил қилиб, текширувлардан ўтказишди ва зарур тавсияларни беришди. Мутахассисларнинг айтишича, саломатлигимга беэътибор бўлмай, вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб турсам, тез орада ўзимни ўнглаб олар эканман. Бу гапларни эшитиб, энди соғлиғимни қадрлайман, ҳеч қачон тушунликка берилмайман, деган

Юртимиз бўйлаб "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган Саломатлик ҳафталиги тадбирлари Жиззах вилоятидаги шифо муассасаларида ҳам ташкил этилди.

Даставвал Пахтакор тумани марказий шифохонасида пойтахтдан келган тажрибали мутахассислар мазкур ҳудуд ҳамда Жиззах ва Зафаробод туманлари аҳолисини қабул қилишди. — Дастлабки икки кунда 1100 нафардан зиёд киши ўн бир ихтисослик бўйича бепул тиббий текширувдан ўтказилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мелитожи Юсупов. — Терапевт, кардиолог, невропатолог, жарроҳ, уролог, гинеколог, педиатр сингари малакали шифокорлар томонидан ҳар бир беморга чуқурлаштирилган текширувдан сўнг даволаниш учун муолажалар ёзиб берилди. Энг муҳими, шифокорлар қабули одамлар учун қулай манзилдаги шифо масканларида ташкил этилди. Чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ҳафта давомида вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилади.

Бандлик

Сирдарё туманидаги "Шоҳруҳ — Шаҳриёр — Шоҳжаҳон" МЧЖ томонидан 200 кишига мўлжалланган овқатланиш мажмуаси ишга туширилди.

Сармоя ва янги иш ўринлари

Бунинг учун Халқ банки томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик банк кредити ҳамда корхонанинг 50 миллион сўмлик маблағи йўналтирилди. Натижада 20 га яқин иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоизки, тумандаги кичик бизнес субъектларига молия муассасалари томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойида 7 миллиард 616 миллион сўм миқдориде кредитлар берилиши натижасида 500 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдоси 2012 йил 3 август кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги кўчмас мулклар 2012 йил 3 август кунни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 20 август кунни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушилик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар АТИБ «Ипотекбанк»и Шайхонтохур филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

ХАЛҚ BANKI Давлат-тижорат Халқ банки сизларга қуйидаги жозибадор омонатларини таклиф этади! «Коммунал хизмат» жамғарма омонати Омонатга жалб қилинган маблағларга фоиз даромади ҳисобланиб, ҳар ойда миқдорнинг топшириғига асосан, фойдаланилган коммунал хизматлар учун пул кўчириш йўли билан тўлаб берилди. Коммунал тўловлардан ортиб қолган фоиз даромадлар омонат муддати (бир йил) тугагандан сўнг миқдорнинг биринчи талаби бўйича нақд пулда берилиши мумкин. «Мустақкам оила» жамғарма омонати Мазкур омонат турига маблағлар миллий валютада, белгиланган йиллик фоизга омонатчи қонуний никоҳдан ўтган турмуш ўртоғи билан бирга яшаган даврининг ҳар 5 (беш) йилига қўшимча равишда 1 (бир) фоиз даромад қўшилиши шарт билан қабул қилинади. Ҳар ойда омонатчининг ихтиёрига қўра, ҳисобланган фоизларнинг биринчи талаби бўйича берилиши мумкин. «Наврўз ифори» муддатли омонати Ушбу муддатли омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига қўра, нақд пулда берилиши ёки маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар, коммунал тўловлар, мактабгача таълим, олий таълим муассасалари контракт тўловлари ёки миқдорнинг кредити бўлса, мазкур кредит бўйича асосий ҳамда фоиз тўловлари учун миқдорнинг узоқ муддатли топшириғи расмийлаштирилиши ҳамда қичим муомалалари амалга оширилиши мумкин. Биз билан сизнинг пулларингиз ўсади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (8-371) 200-00-55. Хизматлар лицензияланган. Лицензия № 25. 25.01.2003.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5